

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲҚAMASINING  
ҚАРОРИ

**253 Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида харбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада такомиллаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига иловага\* мувофиқ қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 1 июнь,  
159-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.